

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (11.138)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.
Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залда мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Тасвирий санъат ҳафталиги—2008» бошланди.
Кеча Тошкентда Бутунжаҳон Ер кўни муносабати билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.
Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларда ватанпарварлик ва маънавий фазилатларни тарбиялаш мақсадида ташкил этиладиган аънавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.
Қашқадарё вилоятида «Ўзбекино» миллий агентлиги ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ўзбек миллий кино санъати кунлари бошланди.
Денов туманидаги Қизилжар адирларида «Дўстлик» фирмаси раҳбари Бобоқул Уроқов гишт заводи барпо этиб, уни ишга туширди.
Фарғона Политехника институтининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан талабалар ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.
Гулистон шаҳрида бир йўла юз нафар гўдакни бағрига олувчи замонавий Мефробонлик уйини қуришга киришилди.
Ташкент шаҳрида бир йўла юз нафар гўдакни бағрига олувчи замонавий Мефробонлик уйини қуришга киришилди.
Ташкент шаҳрида бир йўла юз нафар гўдакни бағрига олувчи замонавий Мефробонлик уйини қуришга киришилди.

ЖАҲОНДА

- Кеча 160 тонналик озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлардан иборат Россия инсонпарварлик юкнининг дастлабки туркуми Косового келтирилди.
АҚШ давлат департаменти делегацияси Пхеньяннинг ўз ядро дастурлари рўйхатини тақдим этиши масаласини муҳокама қилиш мақсадида Шимолий Кореяга ташриф буюрди.
Париж шаҳар кенгаши Далай-ламага шаҳарнинг фахрий фуқароси унвонини бериш ҳақида қарор қабул қилди.
Германия ҳукумати Афғонистонга 500 кишилик қўшимча ҳарбий контингентини юборишни рад этди.
Кеча Нью-Йорк савдо-товар биржасида ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 119,37 доллар кийматида қайтди.
Италия ҳукумати «Ал Италия» авиаконпаниясини қўллаб-қувватлаш мақсадида 300 миллион евро миқдорида молиявий ёрдам кўрсатажанини билдирди.
Кеча Сочида Олимпиадага тайёргарлик даражаси билан танишни мақсадида келган Халқаро Олимпиада қўмитаси вакиллари иштирокида дастлабки матбуот анжумани ўтказилди.
Шундан сўн Олимпиаданинг ягона ахборот маркази очилди.
Кеча «Пекин-2008» Олимпиадаси машъаласи Индонезиядан Австралияга ўтказилди.
Кеча Сомалида денгиз қароқчилари томонидан гаровга олинган «Ал-Халид» кемаси йўловчилари ва экипажи озод қилинди.
Ироқ ҳукумати Форс кўрфазидида давлатлардан қарзларидан воз кечишни сўради.
Ироқнинг бугунги қарзи 56-80 миллиард долларни ташкил этиб, бу қарзнинг тенг ярми Форс кўрфазини мамлакатларга тўғри келади.
Кеча Лондонда «Битлз» ансамблининг собиқ хонандаси Пол Маккартнинг рафикаси бундан ўн йил олдин ҳаётдан кўз юмган Линда Маккартни суратларининг кўргазмаси очилди.
Хитой мамлакат тарихида энг қиммат лойиҳа—тезроқ поезд учун темир йўл қурилиши бошланди.
Хитой мамлакат тарихида энг қиммат лойиҳа—тезроқ поезд учун темир йўл қурилиши бошланди.

ДУСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 22 АПРЕЛЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ.

Остона, 22 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўра саройида бўлиб ўтди. Президентимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўра саройида бўлиб ўтди. Президентимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўра саройида бўлиб ўтди.

лиқлар касалликларига қарши биргаликда курашиш йўлга қўйилган.

Ислом Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхналиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

ланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган.

Иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда қўшма корхоналар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон сармоядорлари иштирокида тузилган 167 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси, Қозоғистон Тараққиёт банки ўз ваколатхонасини очган. Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 94 корхона бор.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро ҳамкорлик доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга алоқадорлиги билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро ҳамкорлик доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга алоқадорлиги билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Қозоғистон билан халқаро ташкилотлар доирасида ҳам алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, мамлакатларимиз ўзининг минтақавий сиёсатини мувофиқлаштириши, бунинг учун ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш мумкинлигини таъкидлади.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришга алоқадорлиги билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Музокарада таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти даражасида эмас. Ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур. Бунда савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан қулай ҳуқуқий асос сифатида янада кенг фойдаланиш керак.

2006 йилда Президентлар, ўзаро савдо ҳажмининг 1 миллиард АҚШ долларидан ошириш имкониятини мавжудлигини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва идораларга шу кўрсаткичга эришиш тўғрисида топшириқ берган эдилар. 2007 йилда бу вазифа муваффақиятли равишда ўқулди. Бу эса олий даражадаги стратегик келишувларнинг барчасини рўйб-га чиқариш учун изчил амалий ҳаракатларга киришиш зарурлигини, шунда кўланган марралар муқаррар забт этилишининг далилидир.

2006 йил март ойида бўлиб ўтган Тошкент саммити чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган. Қўшма баёнотта имзо чекдилар. Бу ўзига хос ораган Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир долзарб масалаларни теъдорлик билан ҳал этишга қўмақлашмоқда.

Оқўрадаги суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга алоқадорлиги билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмининг янада ошириш учун экспорт-импорт махсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдирди. Масалан, Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташкич машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабелилар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полли махсулотлари етиштирилади. Демак, савдо-саноат соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжуд.

Хавфсизликни таъминлаш борасида Президентлар ҳамфикрдилар. Терроризм, экстремизм, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарур. Бу ўринда Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси минтақа давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани ва мазкур гуя ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга соҳа экани инobatта олиниб, зараркунданлар ва ўсим-

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Маҳаллий хомашё мавжудлигини инobatта олиб айтиш мумкинки, айниқса, саноатнинг тўқимачилик, кимё, нефть қимёси каби соҳаларида қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти суз захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очилди. Мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар нечоғли муҳим эканлигини таъкидлашнинг ҳолати йўқ. Айни пайтда суғи тегаш технологиялари ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш ҳам долзарб масалалар. Бу билан қатор экологик ва иқтисодий муаммоларга барҳам бериш мумкин. Хусусан, Қозоғистон вакиллари билан Орол муаммоларига бағишланган Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда фаол иштирок этгани бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳам имкониятлар мавжуд эканидан далолатдир.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ҳудудларини суз билан таъминлаш борасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган сиёсат юритишнинг тақдир этди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида суз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Илмий муассасаларимиз ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган, ўқитувчи ва талабалар, илмий-услубий қўлланмалар алмашуви йўлга қўйилган. Жумладан, 2006 йилда Хоразм Маъмур академияси билан Қозоғистоннинг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, 2007 йилда Тошкент Архитектура-қурилиш институти билан Қозоғистон Архитектура-қурилиш институти ҳамда М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган.

ТОЙТАХТНИНГ бир кунли Янгиликлар, воқеалар Каска сатрларда БУГУН «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида олий ўқув юртлири талабалари, ўқитувчилар, шифокорлар, руҳшунослар иштирокида ўтказилган семинар «Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда психология ва табиий фанларнинг ўрни» мавзусига бағишланди.

тирилган давра суҳбати «Миллий истискол гоёси ва мафқураси» деб номланди. КЕЧА Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейда Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг ходимлари ҳамда лицей ўқувчилари иштирокида учрашув уюштирилди. (Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



СУРАТДА: Беньков номидаги Республика рассомчилик коллежида истеъодли ёшлар устоз ва мураббийлардан санъат сирларини мукамил ўрганмоқдалар.



22 АПРЕЛЬ КУНИ ДЕПУТАТЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ КУН ТАРБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИНИ ДАВОМ ЭТИРДИЛАР.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.
«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг раиси И.Насриев тақдим этди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан, уларнинг шакли ва қадр-қимматини ҳимоя қилишдан, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашдан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Киритилган тақлифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

(ЎЗА)

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишди. Уммон Султонлиги таълим вазири мамлакатларимизнинг таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириши, таърифи амаллаши ва изланишлар олиб бориш ихтидорлиги билан манфаатли эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуғида ташир буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Барокхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирдилар. Улар бу ерда давлатимиз раҳбари

УММОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН УММОН СУЛТОНЛИГИ ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЯХЪЕ БИН САУД АЛ-СУЛАЙМИЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 22 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИЧ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ РУСТАМ АҲЛИДИНОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларини юқори баҳоладилар.

Уммонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси – Усмон Қуръон номи билан машҳур китобни кўздан кечирдилар.

— Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Яхъе бин Сауд ал-Сулаймиий. — Ўзбекистоннинг таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотла-

ри ва эришган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Бу кўллаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юксак эътибор этилган. Ўзаро маслаҳатлашиш ва таърифи алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз билан таълим тизимидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятидамыз.

Янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуғида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари менда катта тарафдор қолдирди. Мажмуғи барпо этган маҳоратли усталарнинг иши, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

— Анжумани ўтказишдан асосий мақсад электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат айланишини кенг жорий этиш ва қўллаш жараёнини жаддаллаштириш, бу борадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва қўриб чиқиш, илгор ютуқлар билан танишиш ҳамда таърифи алмашишдан иборат, — дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий махсулотлар ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Файзулла Аъзамов.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) жадал ривожланиши туфайли электрон ахборот алмашишга асосланган ахборот ҳамкорлиги самарадорлиги ошди. АКТ бизнинг мамлакатимизда ҳам фаолиятини кўпballа соҳаларида кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан бу 2010 йилгача компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига мувофиқ ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Давлат органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш, автоматлаштирилган давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини ташкил этиш, давлат органларининг ахборот технологияларини қўлланган ҳолда, фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар билан интерфаол ҳамкорлигини таъминлаш, электрон тижорат элементларини рўйбга чиқариш ва электрон тўлов механизмларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Электрон ҳужжат айланиши, давлат ёки тижорат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ интерфаол ҳамкорлик шаро-

итида электрон рақамли имзони қўллаш бу вазифаларни амалга ошириш бора-сидаги энг асосий омил ҳисобланади.

2003-2004 йилларда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар электрон ҳужжат айланишини

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

23-25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА «ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ИНФРАУЗИЛМАСИ ВА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИ ҚўЛЛАШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БўЛИБ ўТАДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БўЙИЧА ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИК (РОССИЯ) МУТАХАССИСЛАРИ ВА ЭКСПЕРТЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

ривожлантириш ва электрон рақамли имзони қўллаш учун ҳуқуқий асос яратди. Шунингдек, ушбу қонун ақларида электрон ҳужжат қонуний кучга эга бўлиб, электрон рақамли имзо унинг мажбурий реқвизити экани белгиланди. Бу борада электрон ҳужжат айланишининг ўзи қонуний кучга эга бўлмоқда ва у субъектлар фаолиятида, шу жумладан электрон тижоратда самарали қўлланиши лозим.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан электрон рақамли имзони амалда қўллаш учун унинг инфраузилмасини шакллантиришнинг техник масалаларини тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, низоомлар, давлат стандартлари ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди.

Айни пайтда республикаимизда электрон рақамли имзолар қалитларини

рўйхатга олиш бўйича учта расмий рўйхатдан ўтган марказ ишлаб турибди. Уларнинг давлатга қарашли бўлган икитаси Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Давлат солиқ қўмитасида, яна бири эса «Multisoft Solutions» хусусий корхонасида фаолият кўрсатмоқда. Шу кунгача берилган электрон рақамли имзо қалитлари сертифи-

катлари 10 мингдан ошди. Электрон рақамли имзо миллий инфраузилмасини ривожлантириш масалаларини ёритиш ва ушбу соҳада ҳуқуқий ҳамда техник бошқарувни такомиллаштириш масалаларини муҳокама этиш учун Интернет тармоғида махсус www.pki.uz сайти ташкил этилди. Унда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, электрон рақамли имзолар қалитларини рўйхатга олиш бўйича рўйхатдан ўтган марказлар реестридан фойдаланиш мумкин.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги ва ишончилигини, ҳужжатлар ижросини бошқариш ҳамда амалий назорат қилиш сифатини оширади. Бошқарув фаолиятида ҳужжат таъминоти билан боғлиқ ха-

ражатлар қамаяди.

Ҳозир жойларда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини ташкил этиш жараёни қучайтирилмоқда. Уларнинг рўйхати, шунингдек, уларни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари белгиланди. Электрон ҳужжат айланиши хизматларини қўллашга бўлган эътиб, айниқса, рўхсат берувчи ҳужжатлар, солиқ, молия, статистика ва бошқа ҳисобдорликни йиғиш билан боғлиқ турли хизматларни кўрсатишда давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ҳамкорлиги жараёнида ортади. Бугунги кунда статистика органларида электрон шаклдаги давлат статистика ҳисобдорликларини қабул қилишга оид таърифи лойиҳаси амалга оширилмоқда, солиқ инспекцияси органларида ҳам ана шундай тизим ташкил этилган.

Электрон ҳужжат айланиши хизматлар ва товарларни сотиш, электрон савдонни амалга оширишда субъектларнинг интерфаол ҳамкорлиги учун самарали восита ҳисобланади. Томонлар ўртасидаги битимлар Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилмоқда. Интерфаол бизнеснинг ушбу янги тури томонлар ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, кўп меҳнат талаб қиладиган операцияларни автоматлаштириш ва даромад олишни кўпайтириш имконини бераётди.

Электрон ҳужжат айланиши инфраузилмаси ва хизматларини шакллантириш қилор ташкили, ҳуқуқий ва технология масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ. Бу борада электрон ҳамкорликни миллий ва халқаро даражада интеграциялаштириш муҳим омил саналади. Шу сабабли ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни қучайтириш катта аҳамиятга эга.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИ ЯҚУНЛАРИ ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ БўЛИБ ўТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТГАН ТАДБИРДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ЗАИМАСИГА ЮҚЛАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛДИ.

СОЛИҚ СОҲАСИ: ИНТИЗОМ ВА ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев бошқарган йиғилишда солиқ идоралари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдигаги қардорликни қисқартириш, нақд пул маблағларининг банддан ташқари айланишининг олдини олиш, дебиторлик ва кредитторлик қарзларини қамайтиришга оид долзарб вазифаларнинг ижроси борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга Ҳайъат йиғилишида солиқ органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиши соҳаларини йиғиш даражасини ошириш ва боқиманда қардорликни қисқартириш, энг асосийси бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга белгиланган прогноз қўрсаткичлари муҳокама этилиб, бу борада етарлилик иш ташкил қилинмаган Жиззах ва Наманган вилоятлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида эса прогноз қўрсаткичлари баҳарлигини таъминлашда мавжуд имкониятлардан тулқил фойдаланилмаётгани қайд этилди.

Бугунги кунга келиб ҳисобот топширмаётган корхоналар сони қисқарган бўлсада, ле-

да ўтказилган олти мингдан зиёд текшириш жараёнида маълум даражада қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Йўл қўйилаётган бу каби камчиликларнинг асосий сабабларидан бири тижорат банклари ва солиқ органларининг ҳамкорлиги талаб даражасида ташкил этилмаётганидир. Бундай ҳолатларга барҳам беришнинг асосий йўли хусусий сектор вакилларининг назорат қасса машинасидадан фойдаланиши устидан назоратни янада қучайтиришдир. Шу боис ҳам йиғилишда нақд пул маблағларининг банкка тўлиқ тутиши устидан доимий мониторингинг амалга ошириш, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни нақд пулга улгуржи сотиш ва пластик картонкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишда қонунга хилоф равишда бўйин товлаш ҳолатлари йўл қўймасликка эътиборни қучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Юридика таъкидланганидек, фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий давлат солиқ инспекциялари бошлиқларидан тўрт нафарни эғаллаб турган лавозимидан озод этилган маълум қилинди.

Ҳайъат йиғилишида қўриб чиқилган масалалар бўйича келгусида ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди бўйича вазифалар белгиланди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

2008 — Ёшлар йили АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАЧ, БАРЧА СОҲАЛАРДА БўЛГАН КАБИ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРДА ҲАМ КАТТА ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. БОЗОР МУНОСАБАТИГА ўТИШ ВА ўЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТИМИЗНИНГ 5 ТА АСОСИЙ йўналишларидан бири БўЛГАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУНДА ИНСОН МАНАФААТЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ СИЁСАТДАН УСТУН ЭКАНЛИГИ НАМОЁН БўЛДИ. АЙНИҚСА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ҲУКУМАТИМИЗ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДАН ўРИН ОЛДИ.

1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Хотин-қизлар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» ва 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинган юртимизда айнан аёллар ва ёшларга бўлган муҳим эътибор ва ғамуўрликнинг намунасиридир. Қолаверса, Асосий Қонунимизнинг 65-моддасида ҳам «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб таъкидланади. Бу каби ҳуқуқий асослар уларнинг давлат ва жамият томонидан тўлақонли яшашлари, фаолият юритишлари учун замин яратди.

Дарҳақиқат, барчамиз учун муқаддас бўлган оналарнинг қадр-қиммати ҳар нарсадан улғундир. Шу боис барча қонунларда ва шу жумладан, Меҳнат қонунчилигида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор моддалар белгиланган. Ҳозирда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, қонуний актлар янада такомиллашиб бормоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларининг муҳофазасига оид йўналишлар бисёр. Чунончи, қонунларимизда, Меҳнат кодексидан оғир ишларда, меҳнат шартити зарарли бўлган юмушларда аёллар ва ёшлар

меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган. Аёллар тунги ишларда меҳнат қилишлари мумкин эмас, айрим ҳолларда зарурат бўлганлиги учун истисно тарихида рўхсат берилади. Фарзанди икки ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган аёлларни (ногирон боласи бўлса, ўн олти ёшгача) розиликсиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиниши ёки меҳнат сафарларига юборилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 233, 234-моддаларида аёлларга бола туғилишидан олдин 70 календарь кун ва бола туғилганидан кейин 56 календарь кундан иборат ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиши белгиланган.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларга ҳам қанчадан-қанча имтиёзлар яратиб берилган. Ёшлар меҳнатини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 225, 226-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Унда ўсмирларни 16 ёшдан ишга қабул қилиш тақиқланади. Алоҳида ҳолларда қасаба уюшмаси розилиги билан 15 ёшга тулган ёшларга меҳнат қилиш ҳуқуқи берилади ва 18 ёшга тулган ўсмирнинг меҳнати муҳофаза қилинади. Уларнинг оғир ишларда, жумладан ер ости ишларида, со-

гликларига зарар етказадиган ишларда меҳнат қилишлари тақиқланади. Қолаверса, ёшларнинг оғир кў кўтариш ва ташвишлари мумкин эмаслиги қонунлаштирилган. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар ҳафтаюна 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар ҳафтаюна 24 соат ишлашлари қонунда белгиланган. Ўқувчилар ёзги таътилларида ишласалар ҳафталик вақтлари 24 соатни ташкил этиши лозим. Ўсмирлар меҳнатидан тунги ишларда, байрам кунлари, дам олиш кунлари, ишдан ташқари иш соатларида фойдаланиш мумкин эмас. Уларга меҳнат таълими 30 календарь кунга деб белгиланган.

Шунингдек, қонунларимизда улар меҳнати муҳофазасига, меҳнат шартитларига қўлайлигига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса юртимизда оналик ва болаликнинг ҳар томонлама улғуланishiдан дарак беради.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ёшлар «Ёшлар йили»га юртимиз раванки ва ҳуқуқий давлат барпо этишда фаол иштирок этишимиз, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда жонбозлик қўрсатишимиз лозим.

Дилноза ХАЛИКОВА, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими

АҚШДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВАШИНГТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИ ВА ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БўЛИБ ўТДИ. УНДА АҚШ КОНГРЕССИ, УШБУ МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ, ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ, МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ БўЙИЧА АГЕНТЛИК, ЭНЕРГЕТИКА, ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ВА САВДО ВАЗИРЛИКЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ҚАТОР НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР — ЖАҲОН БАНКИ, БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ, БМТ ЖАМҒАРМАСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раҳбарияти, Ж.Хопкинс университети, Жоржтаун университети, Виржиния халқаро университети, Мэриленд университети профессори ва мутахассислари, Карнеги жамғармаси вакиллари, UP1 ахборот агентлиги ҳамда Миллий матбуот клуби мухбирлари қатнашди.

Жорий йилнинг 11-12 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммоси, унинг аҳоли генетики, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари» мавзусидаги конференция натижалари семинар қатнашчиларининг диққат-марказида бўлди.

Тошкент конференциясида иштирок этган Sentech, Inc. компанияси вице-президенти Л.Маркел «Орол денгизи ҳудудида турмуш даражасини яхшилаш стратегияси» мавзусидаги семинар иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этди. АҚШ эксперти ўз чиқишида Орол фожоеасининг умумбаршарий аҳамиятга эга эканини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, Орол фожоеаси «ҳар томонлама кенг кўриниш»га эга бўлиб, нафақат экологик, балки ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар жиҳатларни ҳам қамраб олади.

Л.Маркел «Орол фожоеаси — бу фақатгина Ўзбекистоннинг муаммоси эмас», дея алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, Тошкент Орол денгизи ҳавзасидаги экологик инқироз оқибатларини енгиллаштириш бўйича яхлит ёндошув ва стратегик қарашларни ишлаб чиқиш ҳамда бу масалага Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш борасида етакчи мавқега эгадир.

Жаҳон банки ижрочи директори М.Мордасини Орол инқирозини нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки жаҳон ҳамжамиятига ҳам жиддий ҳавф солувчи экологик таҳдид сифатида тавсифлади. Ушбу муаммо кўп томонлама хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда минтақа мамлакатлари билан халқаро институтлар иштирокида узок муддатли стратегияни ишлаб чиқишга даъват этди.

Жаҳон банки вакили Ўзбекистон ҳукумати Орол муаммосининг ечимини излаб топши масаласига астойдил ёндошаётганини қайд этди. У «Жаҳон банки ушбу жараёнда фаол иштирок этиши мумкин ва айнан Ўзбекистоннинг мазкур соҳада етакчиликни қўлга олиши айниқса муҳим», деб ҳисоблайди. М.Мордасинининг фикрича, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш, сув оқимларини тақсимлаш тизимини такомиллаштириш каби соҳалар Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигидаги устувор йўналишларга айланиши мумкин.

Мордасинининг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбарияти экологик инқироз натижасида юзага келган вазият нақадар мураккаб эканлигини яхши тушушун ҳолда Оролбўйидаги экологик мувозанатни сақлаш, минтақа аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирларига алоҳида аҳамият қаратапти. Шу билан бир қаторда Жаҳон банки вакили Ўзбекистон Орол денгизи қуриши асоратларини бошдан кечираётган ягона мамлакат эмаслигини таъкидлади. Унинг фикрича, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам вазиятнинг жиддий баҳолашлари ва Оролни қайта тиклаш ишига барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этишлари лозим.

Иштирокчиларнинг асосий маърузаларидан сўнг «Оролбўйи учун тоза энергия» алоҳида ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Эксперт ва мутахассисларнинг аксарияти Тошкент конференцияси якуний ҳужжатининг сувдан фойдаланиш тизимида оид бандларига алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу муаммо минтақа иқтисодий, ижтимоий ва экологик хавфсизлигининг ажралмас қисми эканлигини қайд этдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар Тошкент конференциясининг трансчегаравий дарёларда гидротехник иншоотлар барпо этишни режаллаштириш жараёнида БМТнинг тегишли тартиблари ва халқаро конвенцияларга қатъий риоя этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосасини қўллаб-қувватлашди. Бу эса мажбурий тарзда халқаро экспертиза, шунингдек, дарёлар ўтган мамлакатлар иштирокида кўп томонлама маслаҳатлашувлар ўтказишни ва режаларнинг илк босқичларидаёқ ўзаро келишувга эришишни талаб этади.

«Жаҳон» АА, Вашингтон.

САЙЁХЛИК САНОАТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТ КЕНГАШИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ САНОАТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР" МАВЗУИДА ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН "ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ" ЛОЙИХАСИ ВА БМТ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, ХУСУСИЙ САЙЁХЛИК КОМПАНИЯЛАРИ ВА ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Бизнес-форум қатнашчилари республикамиз катта сайёхлик салоҳиятига эга эканини таъкидлади. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан халқаро талабларга жавоб берадиган туризм инфратузилмасини кенгайтиришга доир самарали чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Туризм кўпгина давлатлар учун нафақат муҳим даромад манбаи, балки иқтисодийни юксалтирувчи куч ҳисобланади. Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар талаби туфайли саноатнинг кўпгина тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш рағбатлантирилмоқда.

Мамлакатимиз бу борада катта имкониятларга эга. Ўзбекистон сайёхлик курорт ва тарихий жойлар сони бўйича дунёда етакчи ўн та мамлакат сирасига киради. Бу халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси. Буюк Ипак йўлининг қадимий шаҳарлари, кўплаб меъморий ёдгорликлар, ноёб табиатиимиз ва бутун дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстликдир. Бироқ, анжуман иштирокчилари мавжуд имкониятдан тўлиқ фойдаланилмаётганини қайд этди.

Тадбирда экуризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Негаки, мамлакатимизда дунёнинг барча жойларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қиладиган кўплаб қўриқхоналар ва миллий боғлар бор, ноёб тоғ ва чўл ландшафтлари, ботаник, геологик ва гидрогеологик объектлардан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланилмаяпти. Аксарият саёхат ишқибозлари эса спорт туризми, альпинизм, чанги, от, сувда ва пилёда саёхат қилишга қизиқади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов, "Ўзбектуризм" миллий компанияси бўлими бошлиғи А.Шамсиев, "Келажак тур" халқаро ёшлар туризм ва ҳамкорлик бюроси директори Т.Кашаев, "Edem Travel" хусусий сайёхлик фирмаси менежери Ш.Жаббаров ва бошқалар шу ҳақида гапирди.

ЭП САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАДБИРЛАРИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЭМЛАШ ИШЛАРИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юкумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, халқимиз соғлом турмуш кечириши учун тегишли шaroит ва муносиб санитария-эпидемиологик муҳитни яратиш Президентимиз Ислон Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мустақиллик йилларида юртимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолини юкумли касалликларга қарши эмлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самараларини бераётди.

Бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар туфайли мамлакатимиз 2002 йилдаёқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Полиомиелитдан холи ҳудуд" сертификатига сазовор бўлди. Қатор йиллардан буён юр-

тимизда бўлма хасталиги билан боғлиқ ҳолат умуман қайд этилмайди. Утган йил бу борада яна бир муҳим лойиҳа амалга оширилди: 10-29 ёшдаги саккиз миллион нафардан кўпроқ аҳолини қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш тадбирлари муваффақиятли якунланди.

Мамлакатимиз аҳолини юкумли хасталиклардан асраш, иммунизация хизматини такомиллаштиришга хизмат қиладиган халқаро тадбирларда ҳам фаол иштирок этаяпти. 21 апрель куни дунёнинг ўттизга яқин давлатида бошланган "Европа иммунизация ҳафталиги" тадбирларида мамлакатимиз иккинчи бор иштирок этаётгани бунинг далилидир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФнинг мамлақати-

лар уни дурустроқ лавозимга тақлиф қилишганди. Шу куни кечки пайт бош муҳарриримиз Саъдулла Кароматов ҳаммамизни ўз хузурига тўплади. — Гап шу, — деди у мударога ўтиб. — Комилжон биздан кетмоқчи. Ўзбекистон телестудиясидагилар менга кўнғироқ қилиб шу йигитни бизга беринг дейишяпти. Узи ҳам ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб олдимга кирибди. Хўш сизлар нима дейсизлар.

Албатта унинг ишдан кетишига биз ҳам

эتماди.

«Оқшом» ва «Вечерка»нинг қирқ йиллик тўйи нишонланганида мана шу наслар ҳақида «Оқшом»нинг ўтган кунлари» деган китоби айнан Маҳмуджон Комилжон ёзди. Узоқ ва синчков меҳнат талаб қиладиган бу юмушни муаллиф ҳалол ва малакали бажарди. Китоб ушбу газеталарнинг фақат тарихи эмас, бадий йилномаси ҳам бўлиб қолди.

Маҳмуджон Комилжон адиб сифатида ҳам анча самарали меҳнат қилиб келмоқда. Минглаб одамларнинг дардида ҳамдард бўлган, ёруғ дунёни кўриш бахтига муяссар этган машҳур кўз дўхтири Муҳаммаджон Комиллов ҳақида «Яхшидан ном қолади» китоби завқ ва ҳаяжон билан ўқилади. Муаллиф қанча жанг-жадалларни кўрган, қанча инсонларга ҳеч қандай таъмасиз ёрдам берган, ўзидан кўплаб илмий тадқиқотлар, ота қисбини давом эттираётган фарзандлар ва содиқ шогирдлар қолдирган инсоннинг нури қисматини ёрқин мисолларда тасвирлаган.

Маҳмуджоннинг ҳикоялари ҳам ўз ўқувчиларига эга. «Сени излаб, қайдан топарман» тўпламига кирган «Укинч», «Бир ҳамдард истар кўнғил», «Сени излаб...» ҳикояларида инсон қадр, соф муҳаббат, маънавий қадриятлар улуғласа, «Яшасин телефон», «Қаторда норинг бўлса», «Бизни боллашибди, адаси» ҳажвияларида хушқадқач ва беозор юмор борки, китобхон уларни табассум билан мутлола қилади. Адиб ва журналистнинг йиллар давомида қилган турли мавзудаги мақола ва бадиаларини тўпласа, шубҳасиз, катта китоб бўлур эди. Уларнинг барчасида эл ишига жон куйдирувчи, ҳар қандай ҳолатда ҳам лоқайд туролмайидиган қаламқаш меҳнати кўриниб туради. Зеро чинакам қалам аҳли ёзиш ва изланишдан бир зум ҳам тўхтамайди.

Шундай қилиб, «Оқшом» газеталари чика бошлаганига 42 йил бўлди. Маҳмуджон Комилжон эса мана шу даргоҳга 37 йиллик умрини бағишлади. Бу — ҳазилакам фидойилик эмас. Бир ерда кўқариб, талай мевалар берган, меваларидан минглаб, юз минглаб газетхонларни баҳраманд этган, бугун 70 ёшини нишонлаётган дўстимга узоқ умур, янги ижодий парвозлар тилайман.

Ўткир ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ, ОИЛАНING МУҚАДДАСЛИГИ, БОЛА ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ДАВЛАТМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУ ҲАҚДА: «ОИЛА ҲАЁТИНИНГ АБАДИЙЛИГИНИ, АВЛОДЛАРИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН, ШУ БИЛАН БИРГА, КЕЛАЖАК НАСЛАР ҚАНДАЙ ИНСОН БЎЛИБ ЕТИШИШИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ТАРБИЯ ЎҚОҒИДИР» ДЕГАН ПУРМАЁНО СЎЗЛАРИ БУГҮН ҲАЁТДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

Бугунги кунда республикамизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда яшаб, Ўзбекистон мустақиллиги раванқига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ҳар бир миллат оиласининг ўзига хос хусусиятлари бор. Уларнинг миллий қадрият, урф-одат, анъана ва расм-русумларини давом эттиришлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Дарҳақиқат, узоқ йиллик тарихга эга бўлган халқимиз оилага жуда қадимдан катта эътибор бериб келган. Оиладаги болақонлик, фарзандлар томонидан ота-оналарнинг ҳурмат қилиниши, оилаларда асосан кўпчилиги бўлиб, уларда турли авлод вакилларининг бирга яшашлари ва бирга ҳўжалик юриштишлари, меҳнатсеварлик, саҳийлик ва меҳмондўстлик каби аҳойиб фазилатлар сақлаб қолingan.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, оила эркак ва аёлнинг никоҳдан қонуний ўтиб, бир ёстиққа бош қўйган қунидан бошланади. Унинг энг муҳим вазифаси наслни ҳамда ота-боболаримизнинг энг яхши анъана ва удумлирини давом эттириш, турмушини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ҳаётни никоҳсиз ва оиласиз тасаввур қилиш жуда қийин. Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг, бола-ларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномалари орқали қайд этилади.

Никоҳ вужудга келганлигини исботлайдиган никоҳни қайд этиш далолатномаси эр ва хотиннинг ҳамда никоҳдан туғилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлашни таъминлайди.

Никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилган қунидан бошлаб эр-хотин ўртасида қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи пайдо бўлади, туғилган бола ҳам ота-онага нисбатан барча ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади.

Фуқаролик жамияти сари ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТЛАНГАН

Никоҳ тузишда диний маросимларга амал қилиш инкор этилмайди. Бу никоҳга кирувчиларнинг шахсий эътиқодига боғлиқ бўлиб, улар никоҳни давлат рўйхатидан олдин ёки кейин ҳам диний расм-русумларга биноан ўтказишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 1 майда қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ динга эътиқод қилувчи шахслар учун никоҳ тузишда азалдан урф-одат бўлиб қолган диний расм-русум ва маросимларга амал қилишлари қаршиллик қўрсатилмайди.

Таассуфки, кейинги вақтларда ёшлар орасида қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб шайрий никоҳ орқали турмуш қуриб ашаётганлар учралиб қолмоқда. Лекин улар турли ҳолатларда, бахтсиз ҳодиса ёки ақралиб кетишлар сабабли ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмай азият чекиб қолмоқдалар.

Масалан, фуқаро М. фуқаро А.га шайрий никоҳ билан турмушга чиқиб, умумий рўзгор юришиб яшай бошлагандан, Фуқаро А. биринчи турмушдан қонуний ақралмагани сабабли, фуқаро М. билан қонуний никоҳдан ўтмаган. Бу орада фуқаро А.бахтсиз ҳодиса туфайли дунёдан кўз юмди. Орадан бир-икки ой ўтган, фуқаро М. ўғил фарзанд кўрди ва исмини Едгор деб қўйди, лекин ўғилга она фамилияси берилди.

Агарда улар ўртасида қонуний никоҳ қайд этилганида эди Едгор отаси вафот этганидан сўнг туғилса ҳам, мерос олиш, шунингдек, давлат томонидан боқувчисини йўқотганлик учун тайинланадиган нафақани олиш ҳуқуқига эга бўларди

(Фуқаролик кодексининг 17, 18-моддалари).

Хозирги кунда эса фуқаро М. ўғли Едгорга нисбатан фуқаро А.нинг оталигини белгилаш бўйича фуқаролик судига мурожаат этган. Суд томонидан оталик факти белгилиб, ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнггина Едгор отасининг фамилиясини олиш, мерос қабул қилиш ва нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай мисоллар албатта ҳали ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаслигимиз, яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий саводхонлигимизни оширишимиз кераклигини кўрсатади. Биз шундан келиб чиққан ҳолда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилага тайёрлаш, ҳуқуқ, бурч ва масъулиятларни тўғри англашлари қаратилган уярувчи, тадбир ва давра сўхбатларини олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-хунар коллежлари, мактаб ва маҳаллаларда соҳа мутахассислари ёрдамида ўтказиб келмоқдамиз. Асосий Қонуниимиз мазмун-моҳияти, Оила кодексининг ҳар бир банди ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати эканлигини тушунтирмоқдамиз.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эканмиз, шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон албатта ҳуқуқий саводхон, жисмонан ва руҳан баркамол бўлмоғи, давлат, жамият ривож ва инсонлар қамолоти, ҳақ-ҳуқуқи йўлида қабул қилинаётган қонунларни билиши, ўрганиши ва унга амал қилиши лозим.

Дилором СУЛАЙМОНОВА,
Чилонроқ туман ФХДЭ
бўлими мудири

миздаги ваколатхонаси вакиллари иштирокида ўтган анжуман «Европа иммунизация ҳафталиги»да мамлакатимизнинг иштирокига бағишланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мишель Таяд, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф Ўзбекистонда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уни юкумли касалликлардан ҳимоялаш, ёш авлоди жисмонан соғлом этиб қамолга етказишда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ўз самараларини бераётди.

Мазкур ҳафталик доирасида республикамиз тиббиёт ходимлари, оилавий поликлиникалар шифокорлари иштирокида малака ошириш машғулотлари ташкил этилади. Бундай тадбирларда иммунизация ишларини ташкил этишнинг аҳамияти, бу борада қўлланилаётган янги эмлаш восталари, мамлакатимиз ва жаҳон тиббиётининг ушбу йўналишдаги ютуқлари ва галдаги вазифалар хусусида фикрлашилади.

Б.ХИДИРОВА,
Ўза муҳбири

«NEW EUROPE» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

БЕЛЬГИЯДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «NEW EUROPE» ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИНING АПРЕЛЬ ОЙИДА НАШРДАН ЧИҚҚАН НАВБАТДАГИ СОНИДА ЮРТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Мақолаларнинг бирида газетхонларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингани тўғрисида хабар берилди.

Ушбу ҳужжатларни ижобий баҳолаган ҳолда «New Europe» Ўзбекистон мазкур соҳаларда яқин халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида изчил қадам ташлаётганини қайд этади. «Ўзбекистон инсон ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб муҳим ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда, хусусан, мамлакат ўтган йиллар давомида Халқаро меҳнат ташкилотининг саккизта асосий конвенциясидан бештасини ратификация қилди», - деб ёзади нашр.

Ўқувчилар «New Europe» саҳифаларида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир янгиликлар билан ҳам танишишлари мумкин. Бу соҳани ёритиб, нашр, жумладан, «Ўзгросуғурта» давлат-ақциядорлик компанияси билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасида бош сўғурта полиси имзолангани тўғрисида хабар беради. Бундан ташқари, газета саҳифаларида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси мамлакатимиз жанубидаги Шўртан гуруҳи қонлари хом-ашё базасида қиймати салкам 130 миллион АҚШ долларига тенг бўлган янги лойиҳани амалга ошираётгани борасидаги мақола жойлаштирилган.

Газета ўз ўқувчилари эътиборини «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси билан Руминия экспорт-импорт банки ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимга қаратади. Мазкур ҳужжат «Ўзбекинвест» тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Экспорт кредитлари ва инвестициялари сўғуртачилари халқаро иттифоқи - Берн уюшмаси фаолияти доирасида имзоланган.

Шунингдек, газетадаги бошқа мақолалар суд экспертизаси тизимининг техник базасини такомиллаштириш ҳамда суд-экспертиза хизматида янги йўналишларни ташкил этиш каби мавзуларга бағишланган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг маданий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳам «New Europe» эътиборидан четда қолмаган.

«Жаҳон» АА
Брюссель

2008 — Ёшлар йили

МУҚАДДАС ЗАМИН ЁДГОРЛИКЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИДА ХАЛҚАРО ЁДГОРЛИКЛАР ВА ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРИ АСРАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ «МУҚАДДАС ЗАМИН ЁДГОРЛИКЛАРИ» МАВЗУИДА МАЪРИФий ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова, Ўзбекистон тарихи давлат музейининг катта илмий ходими С.Аъзамов Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, буюк боболаримиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муқаддас тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларни обод этиш ва шу орқали ёшлар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат, истинқлиқ ғояларни садокат туйғуларини чуқур сингдириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморий санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, қайта тиклаш, таъмирлаш билан боғлиқ амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунинг амалдаги тасдиғидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида йигит-қизларни Ватан тақдири учун масъулиятни астойдил ҳис этувчи шахс этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик каби эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўқув фанлари, юртимизда ўтказилувчи турли маънавий-маърифий анжуманлар, қўнча шаҳарларимизнинг юбилейлари билан боғлиқ тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимиз юбилейини унинг юксак нуфузи ва маъкеига муносиб тарзда нишонлаш, мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни ўрганиш, таъмирлаш ва шу орқали ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садокат туйғуларини шакллантиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Тадбирда меъморий обида ва ёдгорликларни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, тарихини чуқур ўрганишда ёшлар фаоллигини оширишга оид маърузалар тингланди.

Назokat УСМОҒОВА,
Ўза муҳбири

Ҳамкасбларимиз БИР ЕРДА ЎСГАН ДАРАХТ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНING БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚҚАНИГА 42 ЙИЛ БЎЛИБДИ. ҲАР ҚАНДАЙ ИШНИНГ БОШЛАНИШИ ҚИЙИН КЕЧАДИ. «ОҚШОМ» ГАЗЕТАСИ 1966 ЙИЛГИ ТОШКЕНТ ЭМИГРАЦИЯСИДАН СЎНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, ТАҲРИРИЯТ УЧУН АЛОҲИДА БИНО ЙЎҚ, УСТИГА УСТАК ИККИ ТАҲРИРИЯТГА БИТТА РЕДАКЦИЯ ШТАТ ЖАДВАЛИ БЕРИЛГАН, ЯЪНИ «ОҚШОМ» ВА «ВЕЧЕРКА» ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАР БИРИ ИККИ КИШИНИНГ ИШИНИ ҚИЛИШИ КЕРАК ЭДИ.



Мен Маҳмуджонни яхши билимди, ҳаётни теран кузатадиган, қалами ўткир, ўз дунёқараши, ўз ижодий принциплари бор ижодкор сифатида ҳаммаш ҳурмат қилганман. Принцип дегани анчайин жўн тушунча эмас. Қамишга ўшаб, шамол қаёққа эсса ўша томонга «шоҳ ташлайдиган» одамда принцип бўлмайди. Бунақалардан «яхшигина» мунофиқ чиқади. Виждонли, йимонли қаламқашда эса собитлик бўлиш шарт! Маҳмуджон Комилжон виждонли қаламқаш. Бу хислат унинг қатор саҳна асарлари, китобхонларга тақдим этилган бир қанча китобларида ҳам кўриниб туради.

Маҳмуджон ҳақида гап борганда у билан боғлиқ бир воқеани эсламай бўлмайди.

1972-йиллар эди чоғи. Ушанда Маҳмуджон «Оқшом»га ишга келганига эндигина бир йил бўлган эди. Кутилмаганда у «Оқшом»дан кетадиган бўлиб қолди. Билишимча, Ўзбекистон телестудиясидаги-

норозилик билдирдик. Маҳмуджон яхши журналист. «Оқшом»га керак дедик.

— Мен ҳам шу фикрдаман. — деди муҳарриримиз. — Бўлмаса ҳозир унинг ўзини чақирамиз. Олдида шу фикрни айтасизлар.

Маҳмуджон хонага кириши билан Саъдулла аха норози қиёфада унинг «Оқшом»дан кетмоқчи эканлигини айтиб, «Нима дейсизлар уни ишдан бўшатамизми, йўқми» деган саволни ўртага ташлади: Табиийки, ҳаммамиз бир овоздан йўқ деб жавоб бердик.

— Ана эшитдингизми, мен кўпчилиكنинг фикрига қарши боролмайман, — деди муҳарриримиз. — Бундан кейин ҳам олдимга ариза кўтариб келмай, меҳр билан ишлайверинг. Дарахт бир жойда кўқаради ука.

Бош муҳарриримизнинг шу гапи етарли бўлди. Хабарим бор, бундан кейин ҳам Маҳмуджонни кўп жойларга ишга тақлиф этишди. Лекин у сеvimли жамоасини тарқ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ХИКМАТЛАР

Бизга юксалмоқ ва кўклар муҳитига чиқмоқ ярашади.

Ориф ботир одам бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди? У ўлимдан ҳам кўркмайди, савоҳат эгаси бўлади. Шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У барча беҳуда нарсаларга хирс кўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир, шундай бўлмай ҳам бўлармиди! У ўз нафсонияти билан улугвор бўлади, шундай бўлмай ҳам бўлармиди!

Хақиқий илмда аниқ бўлганки, ҳар бир нарсани билиш унинг сабабларини, агар шундай сабаблари бўлса ва тўлиқ асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади. Агар сабаблари бўлмаса, ҳолатига қараб ва ўзига хос нарсаларни ўрганиш билан илм тугалланди.

Табиатда бекорчи нарсалар бўлишининг ўзи бўлмаган нарсасидир.

Санъат табиатдан заифроқдир.

Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.

Маъруф ва машҳур бўлмаган нарсаларни одат этишга кўпроқ интилинади. Чунки одат бўлган нарсалар кўпинча сезилмайди.

Толёе юз кўрсатишининг на учи, на кулоғи ва на юмшоқ-қаттиқлиги ва қарори бўлади.

Хужум қилиб келаётган кўшинлардан кўрқиб қочиш, инсонлардаги кўрқоқликни бошқалар томонидан фожия этилиши, бойликни ерга кўмиш, адолатсизликнинг кўринишлари, ифлосликка бефарқ қараш, шубҳали жойларда бўлиш, разиликни исташ, ахлоқий тубанликка бориш, камбағални талаш, гадойчилик қилиш, ҳаддан ташқари зикналик қилиш, судхўрлик қилиш, кечирини сўраганлар илтимосини рад этиш, суд олдида туришга қараб, мурувватсизлик қиларди шармандаликка қиради.

Инсонларни доимий тобе бўлиб яшашлари, бошқалар томонидан ўз нафсини масҳара қилинишига чидаш, жабр-зулмда тоқат қилиш қабилар кишини қизиққан бўлишига сабаб бўлади.

Рақибларим мени фазилат соҳиби бўлган бир ҳақим бўлганимни кўришолмаяпти. Уларнинг жонхилликлари туфайли бу фазилатларни кўриш уларга оғир тушаяпти. Улар ўзларининг калта-фаҳмликлари билан мени қиқштирмайдилар, менга ёмонлик қилишга уринадилар. Менимча, уларнинг бу гийбатлари худди тоғ очкиларининг тоғни ағдараман деб, тоғни сузишларига ўхшайди.

Агар уларнинг кўзлари дўстлик назари билан қараганда эди, ёмон деб юрадиган нарсаларни ёмонламадсан, янши деб ҳисоблаган бўлар эдилар.

Менга ҳасад қилган кишилар билан алоқамни уздим, ҳатто уларнинг номларини ҳам эсламадим, улар бўлса, бир умр менга ҳасад қилиб кун кечирдилар.

Кишининг ақли зиёб бўлса, замонасидаги етишмоқчиликдан унга зиён етмайди. Етишмаслик бўлишига қарамай, ундай киши оқиллиги соясида яхши кун кўра олади.

НПП «Поли Рио Мед» корхонасида тегишли бўлган, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида 2005 йил 28 мартда берилган реестр тартиб рақами 000574-07 бўлган №000574 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Тиббиёт академияси раҳбарияти ва жамоаси Тошкент Тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети нормал физиология, патологик физиология ва патологик анатомия кафедрасининг мудир, тиббиёт фанлари доктори Баҳодир Асадуллаевич Мағруповга онаси

Елизавета Захаровна МАГРУПОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Кўрғазмалар

ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ

ШАҲРИМИЗДАГИ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КўРҒАЗМАЛАР ЗАЛИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН «НАФИС САНЪАТ СИРЛАРИДА БАҲОР ТАРОВАТИ» ДЭБ НОМЛАНГАН КўРҒАЗМА ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ НАМУНАЛАРИДАН ИБОРАТДИР.

Маълумки, одамлар пахта етиштириб, матолар тўқий бошлаган қадим замонлардан, гул тикиш санъати ривожланиб келган. Аввалига ипак Хитойдан олиб келинади, кейинчалик ипакчилик саноати йўлга қўйилганлиги сабабли маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш кенг тарқалган. Бу эса ўз навбатида тўй маросимлари ва маъракаларнинг ипак гуллари билан безатилган либосларсиз ўтмаслигига олиб келади. Албатта, бу ерда сўзаналар алоҳида ўрин тутди. Сўзана сўзи асли тожик тилидан олинган бўлиб, «сўзан» — игнани англатади, яъни игна билан яратилган маъносини беради. Сўзана хонлар саройларини ҳам, камбағаллар кулбаларини ҳам безатиб турган. Биргина йирик гулни яратиш учун баъзан икки йилдан ортиқ вақт талаб этилган боис, қизлар ўз тўйи арафасида кўни-кўшилар, қариндош-уруғ аёлларни ҳашарга чақириб, мураккаб ва майда гул ишини тугатишлари одат тусига кирган. Энг қизиғи эса


сўзанада тугалланмаган бир қисмини қолдиришнинг урф-одатга айланганида. Бунинг сири оддий: хонадонда қувонч битмас-туганмас бўлиши учун шундай қилинади. Сўзана тикишнинг муҳим босқичларидан бири, бу-гулнинг хомаки нухасини матога тушириш. Айни жараёнга жалб этилган энг моҳир чизмакаш аёллар усталик билан тугилажақ безакларни нозик қамиш ёрдамида чизиб чиқишган.

Нақшлар одатда бирор-бир маънони англатган: баҳор ва табиатнинг уйғониши, тўкин-сочлик, гўзаллик ва нафосат рамзидаги гуллар сўзана асосини ташкил этган. Табиийки, сўзана нақшлари рамзий маънога эга бўлиб, турли ирим-сиримларни ҳам акс эттирган, айниқса тўй маросимларига мўлжалланган сўзаналарга ёмон назарлардан сақловчи нақшларни солиш аънамага айланган.

Маъзур кўрғазма ёш каштачи хунарманд Мадина Қосимбоева ижодиغا бағишланган. Мадина

касб-хунар мактабиде ўқиб юрган вақтларидаёқ каштачилик хунарига қизиққан ва Ўзбекистон Бадий академияси «Либос» эстетик марказига ўқишга кирган. Иш фаолиятини эса шахар техник ижодиёти марказида зардўзлик тўрагаги раҳбари сифатида бошлаган. У дарс бериш жараёнида «сўзана» каштачилиги санъатини яхшироқ билишга интилди. Шунингдек, Мадина 2007 йили Абулқосим мадрасида «Усто-шоғирд» мактабини ташкил қилиб, кашта тикиш сирларини ёшларга ўргатиб келмоқда. У ҳозирги кунда Республика Тadbirkor аёллар уюшмаси аъзоси, юзлаб шоғирдларнинг устозидир. Ушбу кўрғазмада Мадина Қосимбоеванинг яратган мато, либос, болиш, оёқ кийим, стул ва сумкаларида каштачилик намуналари ўрин олган.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



Спорт янгиликлари

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?

САМАРҚАНДА БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКISTONЛИК СПОРТЧИЛАР ЎЗИНИ КўРСАТДИ.

Эркалар ўртасида байдаркада эшкак эшиш беллашувларида терма жамоасини етакчиси Сергей Борзовга етакчилиги топилмади. Моҳир спортчимиз яққаликлар ўртасида 500 ва 1000 метр масофани биринчи бўлиб босиб ўтди. Маъзур масофаларга ўтказилган жувтиқлар беллашувида Сергей Борзов Алексей Бобононов билан ҳамкорликда яна иккита олтин медалга сазовор бўлди.

Туртиқлар баҳсида эса Алексей Пятиков, Владимир Осокин, Алексей Мочалов ва Владимир Гордан таркиб тоған жамоамиз минг метрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтди.

Хотин-қизлар ўртасидаги 500 метрга ўтказилган яққалик беллашувларида ҳамюртимиз Екатерина Шубина маррага биринчи келди. Умидли спортчимиз жувтиқлар беллашувида ҳам Мария Мехеда

билан бирга голиблик шохсупасига кўтарилди.

Туртиқлар баҳсидаги олтин медал Екатерина Шубина, Мария Мехеда, Ксения Прелевская, Виктория Петришинадан иборат Ўзбекистон терма жамоасига насиб қилди.

Каноэда эшкак эшиш баҳсларида Осие ўйинлари голиби ва китъа чемпиони Вадим Минков ўзини кўрсатди. Ўзбекистон терма жамоасининг энг кучли аъзоларидан ҳисобланган спортчимиз яққаликлар баҳсида 500 метрга ўтказилган пойгада барча рақибларини ортда қолдирди. Жувтиқлар баҳсида эса Вадим Минков жамоадoshi Максим Кирыанов билан бирга шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Бир километрга ўтказилган беллашувларида голиблик Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев дуэтига насиб қилди.

ТЕННИСЧИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТЕННИС УЮШМАСИ (WTA) ДУНЕНИНГ ЭНГ КУЧЛИ РАКЕТКА

УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНГА КўРА, ЎЗБЕКISTONНИНГ ЭНГ КУЧЛИ РАКЕТКА УСТАСИ ОҚУЛ ОМОНМУРОДОВА ЯНА УЧ ПОғОНА ЮҚОРИЛАДИ.

Халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб химоя қилаётган иккитори теннисчимиз Хотин-қизлар теннис уюшмасининг янги рейтингда олтиш туртинчи поғонада қайд этилган. Бу Оқулнинг теннисчилик фаолиятидаги энг яхши натижадир.

Шунингдек, маъзур рўйхатга ўзбекистонлик теннисчилардан Ирода Тўлаганова, Влада Екшибирова, Албина Хабибулина ва Дилёра Саидхўжаева ҳам киритилди. Умумий рўйхатда эса белгиялик Жустин Энин етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларни сербиялик Анна Иванович ва россиялик Светлана Кузнецова банд этган.

Боҳир БЕК КУРАШЧИЛАР ШВЕЙЦАРИЯДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON ТЕРМА ЖАМОАСИ ЭЪЗОЛАРИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТИШ

УЧУН ШВЕЙЦАРИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ.

Шу вақтга қадар эркин курашчилар томонидан олимпиаданинг тўртта йўланмаси қўлга киритилган. 55 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, 84 килограммга бўлган полвонлар ўртасида Заурбек Сосиев, 96 килограммда Курбон Курбонов ҳамда олимпиада йўлини голиби энг оғир вазнлик курашчи Артур Таймазов Пекин олимпиадасида медаллар учун кураш олиб боради. Улар ўз тайёрликларини мустақамлаш мақсадида турли халқаро турнирларда ҳам иштирок этиб келишмоқда.

Швейцарияда бўладиган саралаш беллашувларида эса Саслан Тигиев, Уайт Телеганов ҳамда Арслон Хўталиев гиламга чиқади.

САРАЛАШ ТУРНИРИ ТАИЛАНДАДА ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКISTONЛИК ҚИЛИЧБОЗЛАР ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ САРАЛАШ ТУРНИРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАИЛАНДА БОРАДИ. Масыулиятли мусобақалар олди-

дан етакчи спортчилар республика чемпионатида яна бир қарра синовдан ўтиши.

Рустам Дўстмухамедов, Гулмира Мамадалиева ҳамда Руслан Кудавев Пекин олимпиадаси йўланмаси учун кураш олиб бориш ҳуқуқига эга. Осие Океания давлатлари ўртасидаги мусобақада фақат биринчи ўрин соҳиби йўланмага эга бўлишни инобатга олганда курашлар кескин кениши табиий. Республика чемпионатида маҳоратини кўрсата олган спортчиларимиз энди халқаро турнирда истеъдолларини намойиш этишлари лозим.

Тошкентда ўтган чемпионатнинг сўнгги кунинида қилич йўналишида кучлилар аниқланиб, унга кўра аёллар ўртасида Маргарита Англиева финалда галаба қозонди. Анда Ҳақимулина иккинчи ўринни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида пойтахт жамоаси биринчи ўринга эга бўлди. Эркалар баҳсида ҳам тошкентлик қиличбозлар тенгсиз эканликларини исботлаб барча совринли поғоналарни эгаллашди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Турфа олам

ҒАРОЙИБ ДАРАХТ

ХИНДИСТОНДА БИТЛЗ ДЕБ НОМЛАНГАН ДАРАХТ БОР. БУ ДАРАХТГА МАШХўР ГУРУХЎНИНГ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТИ БОРЛИГИ, БИТЛЗЧИЛАР БУ ЕРДА БўЛГАН, БўЛМАГАНЛИГИ ҲАҚИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТ ЙўК.

Лекин бу дарахт жуда катта ҳажмда бўлиб, унинг атрофи доимо одамлар билан гавжум. Бу ерга турли касалликларга чалинганлар, бекорлар, қандайдир озуларига етишишни истовчилар ташриф буюрадилар. Бу ерга нафақат Хиндистондан, балки қўшни мамлакатлардан ҳам одамлар ташриф буюрадилар. Одамларнинг битлз дарахтига интилишларидан маълумки, улар ўзлари интилган нарсаларга эришган бўлсалар керак. Йўқса бу дарахт бунчалар муқаддас ҳисобланмасди.

ҚАРОҚЧИ ФИЛЛАР

ТАИЛАНД ШАРҚИДАГИ ҚУРОҚЧИЛИК САБАБЛИ ОЧ ҚОЛГАН ФИЛЛАР ҚАРОҚЧИЛИККА ЎТДИЛАР.

Бу ҳақда Таиланд ҳукумат ахборот агентлиги маҳаллий аҳолини оғохлантириб ахборот бера бошлади. Уларнинг тарқатаётган хабарларига сунанадиган бўлсак, 130 дан зиёд филлар ўрмонни тарк этганлар. Уларнинг бир неча гуруҳлари ўрмон яқинидаги

қишлоқларга бостириб кириб, аҳолини кўрқитиб ўз қоринларини тўйгазишса, яна бир неча гуруҳлари ўрмон ёқасидан ўтган катта йўлда бемалол қароқчилик қилишмоқда. Юк ташувчи машиналарнинг овози эшитилиши билан филлар тўдасининг сардори катта йўлга чиқиб машинани тўхтатади, қолганлари эса дарахтлар орасидан чиқиб ўлжани талайдилар. Айниқса, шакарқамчи билан шуғулланувчи корхоналар бу қароқчиликдан катта зарар кўрмоқдалар.

Қароқчи филлар бутун бошли катта юк машинасидаги шакарқамчиларни йўлтўсарлик билан эгаллаб олишмоқда. Давлат муассасалари қароқчи филларга қарши кураш режасини ишлаб чиқарган бир дамда «Табиати муҳофаза қилиш жамияти» уларга қарши чиқмоқда. Улар эса заминимизда бизлар билан яшашга тенг ҳуқуқли бўлган энг баҳайбат ҳайвонларга қарши курашиш эмас, балки уларга зудлик билан ёрдам бериб, ўрмонларга филлар учун сув ва емак етказиб беришни талаб қилмоқдалар. Шу билан бирга «Табиати муҳофаза қилиш жамияти» ўрмонлар ўзлаштирилиб, заминимизнинг энг катта жониворлари учун яшаш жойларининг қамайишига инсонлар сабаб бўлган, шунинг учун ҳам филларнинг қароқчиликка ўтишига инсонларнинг ўзлари айбдор, деб таъкидламоқдалар. Давлат «Табиати муҳофаза қилиш жамияти»нинг талабларини қўриб чиқиб, уларга ён босишини эълон қилди. Эндиликда қароқчи филлар билан сулҳ сифатида ўрмонларга сув ва озик-овқат етказиб берилади. Балки шундан сўнг филлар ўзларининг норозилик юришларига чек қўйишар.

Салоҳиддин СИРОҲИДДИНОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2008 йил 27 май куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига

КўЙИДАГИ МУЛКНИ ЖАМЛАНМА ҲОЛДА КўЙМОҚДА:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2006 йил 22 февралдаги 10-0604/517-сонли ва 2007 йил 5 октябрдаги 10-0714/143-сонли ижро ҳужжатларига асосан таъин этилган Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Сағбон 30-тор кўчаси, 8-уй манзилдаги «Томозет» МЧЖга тегишли ум. майдони 1687 кв.м. бўлган икки қаватли бино ҳамда вафли махсулоти ва шоколад глазури ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси-1 821 189 000 сўм.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва савдо кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорини закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альяс» минн банкнидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пуллари қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия ВВ001-000010.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси раҳбарияти 2008 йил 25 апрель куни соат 10.00 дан 13.00 гача Чилонзор туман ҳокимлиги биносида тadbirkorларни мавжуд муаммолари юзасидан қабул қилади.

Қабулга муаммога оид асослантйрувчи ҳужжатлар билан келиш мақсадга мувофиқдир.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тadbirkorлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тadbirkorлик субъектларини текширишни янада кискортириш ва унинг тизimini такомиллаштириш чора-тadbirkorларни тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тadbirkorлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

ҲўРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб бериладиган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер маркада терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй. 1 3456

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2